

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.03.05. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АВАЗОВ АЪЗАМ ЖОНУЗОҚОВИЧ

САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Авазов Аъзам Жонузокович

Саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини ошириш
механизмларини такомиллаштириш..... 3

Авазов Аъзам Жонузокович

Совершенствование механизмов повышения экономической
эффективности промышленных предприятий..... 29

Avazov Azam Jonuzokovich

Improvement of mechanisms of increasing the economic efficiency of industrial
enterprises..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 30/30.12.2019.1.03.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АВАЗОВ АЪЗАМ ЖОНУЗОҚОВИЧ

САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2021

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2021.3.PhD/I.636 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (tdtu.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хомитов Комилжон Зоитович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Саматов Ғаффор Аллакуллович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Умаров Илхом Юлдашевич
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 30/30.12.2019.I.03.05 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «__»_____соат__даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй, Тел. (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32. e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй, Тел. (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32. e-mail: tstu_info@tdtu.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «__»_____куни тарқатилди.
(2021 йил «__»_____даги __ - рақамли реестр баённомаси).

Н.М.Махмудов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д. профессор

Г.Ж.Аллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., доцент

М.А.Махкамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув, рақамлаштириш ва иш жойининг интеллектуаллашув даражасининг ортиб бориши ва меҳнат тақсимотининг чуқурлашиши шароитида саноат, айниқса қайта ишлаш ва тўқимачилик саноати корхоналарини самарали ривожлантириш муҳим муаммолардан бири сифатида қаралмоқда. Зеро 2019 йилда «жаҳон ЯИМда саноатнинг улуши 25 % ни, мазкур тармоқда банд бўлганлар ҳиссаси эса 23 %ни ташкил этади»¹. Шуларни ҳисобга олган ҳолда бугунги кунда саноат тармоқларини самарали ривожлантиришда мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, ички имкониятларни ишлаб чиқариш оборотига кенг жалб қилиш, рақобатбардошликни инновацион технологиялар асосида таъминлаш ва унумдорликни оширишда инсон омилига устувор даражада эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда саноат, жумладан қайта ишлаш ва тўқимачилик саноати корхоналарини самарадорлигини ошириш борасида мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, замонавий технологиялар негизида ишлаб чиқаришни ривожлантириш каби йўналишдаги илмий тадқиқотларга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Амалга оширилаётган тадқиқотлар таркибида, жумладан маҳаллий ва ички имкониятлар негизида ресурслардан самарали фойдаланиш, инвестицияларни жалб этишни ички имкониятлар ва истиқбол талаблари негизида мувофиқлаштириш, унумдорликнинг инсон ва ишлаб чиқариш фондлари сифат кўрсаткичларини жаҳон бозоридаги рақобат талабларини эътиборга олган ҳолда оптималлаштириш муаммоларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқларини замонавий талаблар асосида сифат жиҳатдан самарали ривожлантириш, ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни кенг жорий этиш, жаҳон бозорида рақобатбардошликни рақамли ва инновацион технологиялар асосида таъминлаш ҳамда инсон капитали каби сифат ўзгартишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. «...Юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»² устувор вазифалар қаторига киради. Мазкур вазифаларни ҳал этишда, жумладан соҳа хусусиятлари ва истиқбол талабларни эътиборга олган ҳолда самарадорликни баҳолашда унумдорликнинг сифат кўрсаткичлари, ходимлар малакасини ошириш ва уларни мотивациялаш ҳамда ички имкониятлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишнинг услубий-амалий таъминотига йўналтирилган тадқиқотларга устувор даражада қараш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ <https://bcs-express.ru/novosti-i-analitika/kakoi-vklad-vnosit-promyshlennost-v-ekonomiku-otdel-nykh-stran-mira>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, www.lex.uz

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Саноат корхоналарининг ривожланиши ҳамда иқтисодий самарадорликни оширишнинг илмий-услубий жиҳатлари кўплаб хорижлик олимлар, жумладан, М.Аоки, П.Ф.Друкер, Г.Менш, Э.Харгадон, Р.Г.Купер, С.Фреман, Г.П.Писано ва бошқалар³ томонидан тадқиқ қилинган.

Мустақил Ҳамдўстлик Мамлакатларида саноат корхоналарида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва самарадорликни ошириш муаммолари В.М.Архипов, Э.В.Жоглина, В.В.Ковалев, Р.В.Марушков, Б.А.Райзберг, Л.С.Сосненко, И.В.Брянцева, Б.В.Прикин, Г.Х.Бирюков, Т.В.Колосова⁴ ва бошқаларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган.

³Аоки М. Фирма в японской экономике. Информация, стимулирование и заключение сделок в японской экономике [Текст] / М. Аоки: пер. с англ. - СПб., 1995. - С. 314-315; Друкер П. Бизнес и инновации [Текст] / П. Друкер: пер. с англ. - М.: Вильямс, 2007. - 350 с.; Шумпетер И. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия [Текст] / Й. Шумпетер: пер. с англ.; предисл. В.С. Автономова. - М.: ЭКСМО, 2007. - 864 с.; Mensch, G. Stalemate in technology: innovations overcome the depression / G. Mensch. - Cambridge, Mass.: Ballinger Pub. Co., 1979. - 241 pp.; Харгадон Э. Управление инновациями. Опыт ведущих компаний [Текст] / Э.Харгадон: пер. с англ. - М.: Вильямс, 2007. - 304 с.; Cooper R.G. Maximizing Productivity in Product Innovation [Text] / R.G. Cooper, S.J.Edgett // Research Technology Management. 2008. - March-April. - P. 47-58; Freeman C.The economics of industrial innovations [Text] / C. Freeman, L. Soete. - Cambridge, MIT Press, 1999; Pisano G.P. You need an innovation strategy [Text] // Harvard business rev. -Boston, 2015. - Vol. 93, N 6. - P. 44-54.

⁴Архипов В.М. Проектирование производственного потенциала объединений (теоретические аспекты) – Л.: Изд. ЛГУ, 2009. – С.75-89.; Жоглина Е.В. Согласование механизмов управления развитием экономического потенциала: автореф. дис... канд. экон. наук: 08.00.05 / Жоглина Е.В. – Ставрополь, 2008. – 26 с.; Ковалев, В.В. Финансы организаций (предприятий): учебник / В.В. Ковалев. – М.:Проспект, 2010.– 352 с.; Марушков Р.В. Оценка использования экономического потенциала предприятия (на примере предприятий печатной отрасли), автореф. дис... канд. экон. наук: 08.00.05 / Марушков Р.В. – М.: 2000. – 20 с.; Райзберг Б.А. Государственное управление экономическими и социальными процессами. – М.: ИНФРА-М, 2008. – 384 с.; Брянцева И. В. Экономическая устойчивость предприятия: сущность, оценка, управление. Хабаровск: Изд-во Хабар, гос. ун-та, 2003. - 230 с.; 66. Прыкин Б. В. и др. Основы управления. Производственно-строительные системы: Учеб. для вузов. М.: Стройиздат, 1991. - 336 с.; Бирюков Г.Х. Формирование механизмов устойчивого развития промышленного предприятия: автореф. дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05. – Владимир, 2006. – 22 с.; Колосова Т.В. Обеспечение устойчивого развития предприятия на основе повышения его инновационного потенциала: автореф. дис. ... д-ра экон. наук: 08.00.05. – Нижний Новгород, 2011. 44с.

И.И.Искандаров, С.С.Фуломов, М.А.Икрамов, Т.К.Иминов, Г.Ж.Аллаева, А.У.Бурханов, Н.М.Махмудов, М.А.Махкамова, Г.А.Саматов, А.М.Кодиров, Д.С.Қосимова, М.Тиллахўжаев, Б.Ж.Баймирзаев, С.А.Набиева, Г.К.Тарахтиева, М.С.Саидкомолов⁵ каби ўзбекистонлик олимлар республика иқтисодиётининг саноат тармоқларида иқтисодий самарадорликни ошириш механизмлари, жумладан ташкилий, иқтисодий механизмлар, инфратузилма ва бошқарув масалаларини ўрганиш устида илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

Юқорида таъкидлаб ўтилган иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида иқтисодиёт тармоқларини замонавий ривожланиши шароитида саноат корхоналарида иқтисодий самарадорликни оширишнинг механизмлари тадқиқот объекти сифатида етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур муаммоларнинг долзарблиги ва етарли даражада ўрганилмаганлиги ушбу тадқиқот заруратини белгилаб берди.

Диссертация мавзусининг бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация мавзуси Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-20170928153 «Корхоналарни инновацион ривожланиш шароитида вертикал интеграциядан самарали фойдаланиш йўллари» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади рақамли иқтисодиётни ривожланиши шароитида қайта ишлаш ва тўқимачилик саноати корхоналари иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича услубий ва амалий йўналишдаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

технологик модернизациялаш шароитида саноат корхоналарининг самарали ривожланишида иқтисодий самарадорликнинг роли ҳамда аҳамиятига доир мавжуд илмий ва назарий ёндашувларни таҳлил қилиш;

саноат корхоналарида, жумладан Жиззах вилояти қайта ишлаш ва тўқимачилик саноати корхоналарида иқтисодий самарадорликка таъсир этувчи омиллари ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

Жиззах вилоятининг қайта ишлаш ва тўқимачилик корхоналарининг самарали ривожланишига таъсир этувчи ички ва ташқи муҳит омилларини татқиқ этиш ва тизимлаштириш;

⁵ Гулямов С.С. Экономика, основанная на знаниях. Народное слово, 16.06.2008.; Махмудов Н.М., Ахмедов Д.К. Организация научной деятельности ТГЭУ. Рынок, деньги и кредит. –Ташкент: 2001; Махкамова М.А. Формирование организационно-экономического механизма управления инновационной деятельностью на промышленных предприятиях Республики Узбекистан. Дисс.док. экон. наук. – Т.: 2004, – 291 с.; Кадыров А.М. «Инновационный потенциал развития промышленных предприятий республики в условиях рынка». Научно-практическая конференция «Новое качество экономического роста: инновации, конкурентоспособность, инвестиции». -Т., 23 апреля 2008 г.; Саидов М.Х. Узбекистан: инвестиции в человеческий капитал, партнерство в сфере образования. – М.: Книжный дом «Труд», 2006. – 350 с.; Расулев А.Ф., Тростянский Д.В., Исмаилова О.А. Развитие инновационного потенциала и тенденции инновационной активности предприятий промышленности Узбекистана. Экономический вестник Донбасса, №2(40), 2015; Тухлиев И.С. Организационные формы инновационного образования. Материалы международной научно-практической конференции «Разработка, оценка эффективности реализации инвестиционных и инновационных проектов», ТМИ, 2006;

технологик модернизациялаш шароитида қайта ишлаш ва тўқимачилик саноати корхоналарининг замонавий ривожланиш хусусиятлари ва самарадорликни ошириш жиҳатларини таҳлил этиш;

Жиззах вилояти қайта ишлаш корхоналари замонавий ҳолатини таҳлил қилиш асосида иқтисодий самарадорликни баҳолаш тизимини такомиллаштириш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

хорижий давлатлар иқтисодиётида саноат корхоналарида иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича назарий ва услубий ёндашувларни таҳлил қилиш, уларнинг илмий моҳиятини, йўлларини очиб бериш;

қайта ишлаш ва тўқимачилик саноати корхоналарида инновацион фаолиятни ривожлантириш асосида иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича маҳаллий шароитларда фойдаланиш механизмларини кўрсатиб бериш;

қайта ишлаш ва тўқимачилик саноати корхоналари иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича услубий ва амалий йўналишдаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Ўзбекистон Республикаси Жиззах вилоятининг қайта ишлаш ва тўқимачилик саноати корхоналарининг (хусусан, «JZZAKH TEXTILE» ХК МЧЖ ва «ZARBDOR TEXTILE» МЧЖ) ташкилий-иқтисодий фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети қайта ишлаш ва тўқимачилик саноати корхоналари иқтисодий самарадорлигини ошириш жараёнида юзага келадиган ташкилий-иқтисодий муносабатлардан ташкил топган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли таҳлил, индукция ва дедукция, мантиқий ва таққослама таҳлил, статистик ва омилли таҳлил гуруҳлаштириш, монографик изланиш, абстракт-мантиқий фикрлаш, истиқболли прогнозлаш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қайта ишлаш ва тўқимачилик саноатининг ўзига хос хусусиятлари ва истиқбол ривожланиш талаблари негизида иқтисодий самарадорликни баҳолаш услубиётига устувор даражада меҳнат унумдорлиги ва фондлар қайтими сифат кўрсаткичлари асосида ёндашиш асослаб берилган;

тармоқ корхоналари иқтисодий самарадорлигини ошириш ўзагини корхона ходимлари малакасини ошириш ва уларни мотивациялашнинг устувор даражалилиги асосланган;

тўқимачилик тармоғи корхоналари ходимларини бошқаришнинг юқори унумдорлиги негизида меҳнат унумдорлигини ўсишидан келиб чиққан қиймат кўринишдаги ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини эътиборга олган ҳолда «JZZAKH TEXTILE» ХК МЧЖни 2021-2025 йилларда ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

қайта ишлаш ва тўқимачилик корхоналарининг инновацион фаолиятини оширишга фанлараро ёндашувга кўра ташкилий-иқтисодий омиллар билан бир қаторда техник, ижтимоий, экологик, психологик ва ҳуқуқий омиллар бўйича амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлар таркиби асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иқтисодий тавсифдаги қўйилган параметрларда ишлаб чиқариш натижаси билан унга сарфланган ресурслар (ҳаражатлар) ўртасидаги нисбат асосида шаклланадиган юқори иқтисодий самарага эришиш ҳамда меҳнат самарадорлини ошириш билан боғлиқ комплекс жараёнлар мажмуаси иқтисодий самарадорликдир, дейилган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

бирламчи ресурслардан фойдаланиш даражалари қисқараётган шароитда муқобил турдаги ресурсларни излаб топиш, улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, ишлаб чиқариш материалларидан иккиламчи ресурс сифатида қайта қўллашни рағбатлантириш, саноат корхоналарининг ресурс тежамкорлигини ошириш, «Саноат 4,0» концепцияси асосида иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган;

қайта ишлаш ва тўқимачилик саноати корхоналарида самарадорликка ташқи ўзгаришлар таъсирини баҳолаш, уни оширишнинг мақсадга йўналтирилганлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш жараёнини инновацион техник ва технологик модернизациялаш ҳамда моддий манфаатдорлигини таъминлаш орқали иқтисодий самарадорликни ошириш йўллари асосланган;

корхонада қайта ишлаш техникасини модернизациялаш, ип йигириш ва тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қадоқлаш жараёнида ортиқча фаолият чегарасини камайтиришга кўмаклашувчи ишлаб чиқариш жараёнини оптималлаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндашувлар ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг статистик маълумотларидан ва Жиззах вилояти тўқимачилик ва қайта ишлаш саноати корхоналари маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қайта ишлаш ва тўқимачилик саноати корхоналари иқтисодий самарадорлигини ошириш услубиётини унумдорлик, айниқса, меҳнат унумдорлиги ва мотивациялаш бўйича услубий тавсиялар билан бойитилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан қайта ишлаш ва тўқимачилик саноат корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашда ҳамда иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича ишлаб чиқиладиган дастурий ҳужжатлар ҳамда комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қайта ишлаш ва тўқимачилик саноати корхоналари иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаси асосида:

қайта ишлаш саноати корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услубиётига устувор даражада меҳнат унумдорлиги ва фондлар қайтими сифат кўрсаткичлари асосида ёндашиш таклифи «ZARBDOR TEXTILE» МЧЖ ва «JIZZAKH TEXTILE» ХК МЧЖ фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 01 февралдаги 04/16-04-10/10-343 сонли маълумотномаси, ҳамда «Ўзбектўқимачиликсаноат» Уюшмасининг 2020 йил 15 декабрдаги 04/18-2994-сонли маълумотномаси). Таклифларнинг жорий қилиниши «ZARBDOR TEXTILE» МЧЖда меҳнат унумдорлиги ва фондлар қайтими индексларининг мос равишда 1,07 ва 1,08 коэффициентга ўсиши натижасида умумий иқтисодий ўсиш даражаси 107,0 %га ҳамда «JIZZAKH TEXTILE» ХК МЧЖда ушбу кўрсаткичларнинг мувофиқ тарзда 1,08 ва 1,10 коэффициентга ўсиши натижасида умумий иқтисодий ўсиш даражаси 109,0 %га ошириш имконини берган;

корхона иқтисодий самарадорлигини баҳолаш (ошириш)-нинг ўзагида ходимлар малакасини ошириш ва уларни мотивациялаш даражаси устувор даражалилиги бўйича ишлаб чиқилган таклифлар «ZARBDOR TEXTILE» МЧЖ (05.11.2019 й., 34-сонли буйрук) ва «JIZZAKH TEXTILE» ХК МЧЖ (22.11.2019 й., 98-сонли буйрук) фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 01 февралдаги 04/16-04-10/10-343 сонли маълумотномаси, ҳамда «Ўзбектўқимачиликсаноат» Уюшмасининг 2020 йил 15 декабрдаги 04/18-2994-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш корхонани бошқариш жараёнида унинг аниқ функционал тизимлари бўйича самарадорликни аниқлаш ҳамда ишлаб чиқаришни бошқариш тизимини интеграл баҳолаш имконини берган;

корхона ходимларини бошқаришнинг юқори унумдорлиги негизда меҳнат унумдорлигини ўсишидан келиб чиққан қиймат кўринишдаги ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини эътиборга олган ҳолда прогноз кўрсаткичлари «JIZZAKH TEXTILE» МЧЖ томонидан 2021-2025 йилларда ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичларини асослашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 01 февралдаги 04/16-04-10/10-343 сонли маълумотномаси, ҳамда «Ўзбектўқимачиликсаноат» Уюшмасининг 2020 йил 15 декабрдаги 04/18-2994-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлардан фойдаланиш истикболда корхонада меҳнат унумдорлиги кўрсаткичини 153,6 %га ошириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 2,1 мартага ўстириш имконини берган;

қайта ишлаш ва тўқимачилик корхоналарининг инновацион фаолиятини оширишга техник, ижтимоий, экологик, психологик омиллар бўйича амалга оширилиши зарур бўлган комплекс тадбирлар «ZARBDOR TEXTILE» МЧЖ ва «JIZZAKH TEXTILE» ХК МЧЖ фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 01 февралдаги 04/16-04-10/10-343 сонли маълумотномаси, ҳамда «Ўзбектўқимачиликсаноат» Уюшмасининг 2020 йил 15 декабрдаги 04/18-2994-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлардан фойдаланиш саноат корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 7 та илмий иш, жумладан, миллий журналларда 5 та ва нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 7 та маъруза ва тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 166 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Иқтисодий рақамлаштириш шароитида sanoat корхоналарида иқтисодий самарадорликни оширишнинг илмий-назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида самарадорликни иқтисодий табиати ва моҳиятини тадқиқ этиш, иқтисодий самарадорликнинг моҳиятини ифодаловчи назарий ёндашувларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш натижасида «иқтисодий самарадорлик» тушунчасининг моҳияти ёритиб берилган, унинг бозор шароитида шаклланиш тамойиллари асосланган. Шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий самарадорлигига таъсир этувчи омиллар таснифланиб, уларни баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларининг илмий-услубий асослари баён этилган.

Тадқиқотлар кўрсатадики, даставвал самарадорлик мазмунини таърифлашда уч: классик, неоклассик ва маржинал неоинституционал йўналиш намоёндаларининг фикрлари фарқланади. Мазкур йўналишлар назариялари ва замонавий ёндашувларни тадқиқ этиш натижасида диссертацияда хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий ишларида самарадорлик тушунчаларига берилган таърифлар ва ёндашувларни қиёсий ўрганилди ва тизимлаштирилди (1-жадвал).

Кўпчилик олимлар самарадорлик категориясини тадқиқ этиш жараёнида уни «натиждорлик», «оптималлик», «салоҳият» тушунчалари билан таққослайдилар.

Фикримизча, замонавий иқтисодий назарияларнинг деярли барчасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш омиллари sanoat корхоналарининг самарали ривожланишининг манбаи сифатида тан олинган. Шунга кўра ижтимоий-иқтисодий ривожланиш нафақат бирор иқтисодий субъект ёки корхонанинг, балки бутун бир тизимнинг ҳам ривожланишини таъминловчи алоҳида асосий ўсиш манбаи ҳисобланади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, «иқтисодий самарадорлик» атамаси биринчи марта классик намоёндалар томонидан қўлланилиб, бу тўғри мақсадни қўйиб, уни амалга ошириш учун ресурслар сарфлаш орқали ижобий натижаларга эришиш, деган моҳиятга эга.

Sanoat корхоналарида иқтисодий самарадорликка эришиш ишлаб чиқариш жараёнининг иқтисодий натижасини ифодалайди. Ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш ва инновацияларни қўллаш, меҳнатнинг иқтисодий самарадорлиги кабилар иқтисодий самарадорликка эришишнинг муҳим омиллари ҳисобланади.

**Турли олимлар томонидан «самарадорлик»
тушунчасига берилган таърифлар ва ёндашувлар⁶**

Муаллифлар	Таъриф
М.Портер, И.Ансофф, Г.Минцберг, А.Ўлмасов, Ў.Вахобов	Ресурс сарфлари билан ишлаб чиқаришдан олинган натижаларнинг таққосланишини билдиради, яъни нима сарфлаб нимага эришилганини кўрсатади
А.Сен, В.Жевонс, Б.Ефимов, С.Ғуломов, А. Абдуллаев, А.Сотволдиев	Кўйилган тўғри, самара берувчи мақсадни амалга ошириш учун ресурслар сарфлаш жараёни
А.Пигу, Дж.Акерлов, Қ.Абдурахманов, А.Жўраев, А.Қодиров	Жамият эҳтиёжини қондириш ва бирор ижобий натижа ёки самара олиш мақсадида ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмолнинг ижобий натижаларига эришиш
М.Обермайер, Г.Клейнер, Ф.Сандрес, Д.Пирс, Ш.Шодмонов, У.Ғофуров	Жамият, хўжалик фаолияти натижаларини мазкур жамият ёки хўжалик манфаатларига мос келиши ва самара бериш жараёни
Б.Автономова, О.Ананьина, И.Макашева, Т.Жўраев	Жамият ва унинг аъзоларининг келажақдаги мақсади, эҳтиёжлари ва кўзланган мақсадга эришишини таъминловчи иқтисодий манфаат
Й.Шумпетер, М.Чепурина, Е.Киселева, Н.Малхотра, Н.Огарев, Д.Тожибоева,	Корхона ёки хўжаликнинг ишлаб чиқариш жараёнида ўз кучи ва жалб этилган аъзолари билан яратилган манфаатлар, маҳсулотлар, товарлар ҳамда хизматларнинг ижобий натижалари
А.Добрынин, Д.Тарасевич, Ю.Лимарева, П.Лимарев, М.Саидов, Р.Сейтмурадов, Д.Асланова, С.Исхокова	Фойдали натижага эришиш учун мақсадни амалга ошириш зарур бўлган моддий, молиявий, ақлий, ахборот, илмий-техник ресурсларни олувчи турли хилдаги мажмуаларнинг фойдали натижаси
Я.Менш, Л.Чередникова, В.Якимович, Б.Абдуллаев	Жамиятнинг иқтисодий тараққиёт даражасини белгиловчи ресурслар чекланганлиги шароитида сарфланган ҳаражатлар эвазига маҳсулот ёки манфаатни яратилиш жараёни

Ишлаб чиқариш жараёнида иқтисодий самарадорликни оширишнинг моҳиятини ёритиш учун «иқтисодий самарадорлик» категориясининг тўлиқ мазмунини ифодалаш катта аҳамиятга эга. Тадқиқотда келтирилган иқтисодий самарадорлик категориясининг иқтисодий жиҳатларини аниқлаш билан боғлиқ хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларни назарий ёндашувларининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда, ушбу тушунчанинг муаллифлик таърифи шакллантирилди.

Бизнингча, иқтисодий самарадорлик – бу иқтисодий тавсифдаги қўйилган параметрларда ишлаб чиқариш натижаси билан унга сарфланган ресурслар (ҳаражатлар) ўртасидаги нисбат асосида шаклланадиган юқори иқтисодий самарага эришиш ҳамда меҳнат самарадорлигини ошириш билан боғлиқ комплекс тушунчадир.

Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида, саноатда, айниқса қайта ишлаш ва тўқимачилик саноат корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналишларини аниқлаб берувчи воситалардан бири корхонанинг иқтисодий самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини тадқиқ этишдан иборатдир. Шундай экан, саноат корхоналари фаолиятида ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштиришнинг асосий шарт-шароити бўлиб, ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш асосида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

⁶ Муаллиф томонидан тизимлаштирилган ва ишлаб чиқилган.

Қайта ишлаш ва тўқимачилик саноати корхоналарида иқтисодий самарадорликни ошириш тамойиллари иқтисодий қонунлар таъсирини акс эттирадиган ва улар фаолиятини турли йўналишларини ифодаловчи вазифаларни тўлиқроқ амалга оширилишига йўналтирилган объектив, илмий асосланган қоидалардир. Шунга кўра, саноат корхоналарида иқтисодий самарадорликни оширишнинг мақсадлилиқ, илмийлик ва объективлигини таъминлаш, иқтисодий самарадорликни тизимлилиқ, оптималлик ва устуворликка ташқи ўзгаришлар таъсирини баҳолаш, корхона ишчи-ходимларининг юқори меҳнат пировард натижаларига эришишдан моддий манфаатдорлигини таъминлаш ҳамда бошқариш жараёнида режалиликни бозор талаблари билан боғлаб олиб бориш каби тамойилларга асосланиши саноат корхоналарининг самарали ривожланиш имкониятини яратади.

Тадқиқотда муаллиф томонидан корхона иқтисодий самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш жараёнларининг асосий тамойиллари гуруҳи тизимлаштирилди (2-жадвал).

2-жадвал


Қайта ишлаш саноати корхоналарида иқтисодий самарадорликни ошириш ва рағбатлантириш тамойиллари⁷

Мажмуавий	Иқтисодий самарадорликнинг асосий жиҳатларини белгиловчи кўрсаткичларни кенг ва ҳар томонлама таҳлил этиш асосида рағбатлантириш
Объективлик	Иқтисодий самарадорликнинг ошириш ва баҳолаш усулларини аниқ ва ишончли маълумотлар билан таҳлил қилиш асосида ҳисоблаш
Тизимлилиқ	Корхона иқтисодий самарадорлигининг ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи кўрсаткичлар тизими сифатида баҳолаш
Мақсадлилиқ	Иқтисодий самарадорликни ошириш ва унинг асосида рағбатлантириш орқали аниқ мақсад ва келгуси режалар учун мослиги ва натижадорлиги
Самарадорлик	Корхона ёки ташкилотда иқтисодий самарадорликни ошириш орқали эришиши кутилган ижобий, манфаатли натижалар ва самарадорлигини таъминлаш
Оптималлик	Иқтисодий самарадорликнинг аниқ, тўғри ва оптимал кўрсаткич-ларидан фойдаланиш асосида қўйилган мақсадга эришиш
Устуворлик	Корхона иқтисодий самарадорликни ошириш орқали келгусида ишлаб чиқариш жараёнини модернизациялаш, маҳсулот сифати ва ишчи-ходимлар малакасини ошириш натижасида инновацион мойиллигини шакллантириш
Демократик	Корхона иқтисодий самарадорлигини оширишда очиклик, шаффофлик ва ишончлилиқни таъминлаш

Саноат корхоналарида иқтисодий самарадорликни ошириш жараёнида стратегик вазифаларни муваффақиятли бажариш учун иқтисодий кўрсаткичларни баҳолаш ва ишлаб чиқариш жараёнини режалаштириш ҳамда таҳлил қилишнинг илмий асосланган базасини такомиллаштириш, ресурслардан тўлиқ фойдаланишга таъсир этувчи омилларни ўрганиш биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан боғлиқ ташкилий, иқтисодий, психологик муаммоларни ҳисобга олган ҳолда, саноат корхоналарининг барқарор ривожланишига таъсир қилувчи тизимни шакллантирувчи омилларнинг таснифи ишлаб чиқилди. Улар йўналишига кўра, ресурс таъминоти, иқтисодий, ташкилий-бошқарув, сиёсий ва ҳуқуқий омиллар гуруҳлари бўйича таснифланди.

⁷ Муаллиф ишланмаси



1-расм. Саноат корхонасида иқтисодий самарадорликни оширишга таъсир этувчи омиллар⁸

Бу омилларнинг барчаси органик алоқада бўлиб, мажбурий экологик талаблар билан илмий-техника тараққиётига эришишни ўзлаштириш механизми орқали корхона фаолияти натижаларига таъсир қилади (1-расм).

Шунингдек, ушбу омилларни таснифлашда ташқи ва ички омилларни ҳисобга олган ҳолда саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш заҳираларини аниқлашга услубий ёндашув муҳимдир. Улар қуйидагилардан иборат: атроф-муҳитни муҳофаза қилишни ҳисобга олган ҳолда барқарор ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг таркибий элементларини тизимли таҳлил қилиш; ташкилий-иқтисодий механизмнинг ролини, уни такомиллаштиришга ташқи ва ички таъсирини ажратиб кўрсатиш; синергетик самарани олишни зарурат этувчи технологик омилларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнларини моделлаштириш; ишлаб чиқаришни тартибга солишда бошқарув ролининг ошиб боришини таъминловчи ишлаб чиқариш кучларини асоси сифатида инсон капитали ривожланишига биринчи ўринда аҳамият бериш; бозор муносабатларининг трансформациялашиши билан боғлиқ иқтисодий жараёнларнинг глобаллашуви.

⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Иқтисодий рақамлаштириш шароитида корхоналарда иқтисодий самарадорликни комплекс баҳолашда ягона универсал усул йўқ. Шунга кўра, иқтисодий самарадорликни комплекс баҳолаш услубиятини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Тадқиқотлар кўрсатадики, иқтисодий самарадорликни комплекс баҳолаш методикасини ишлаб чиқишда уни аниқлаш мезони ва кўрсаткичларига эътиборни қаратиш зарур.

Мазкур мезонлар ишлаб чиқариш корхоналарида иқтисодий самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади (2-расм).



2-расм. Саноат корхоналарида иқтисодий самарадорлик мезонлари⁹

Шунга кўра, саноат корхоналарида иқтисодий самарадорликни оширишга йўналтирилган ишлаб чиқариш жараёнини оптималлаштириш, ресурс тежамкорлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришда бевосита иштираётган техника ва технологияларни модернизациялаш кабилар мазкур самарадорликни аниқлаш мезонларининг асосидир.

Иқтисодий самарадорликни оширишнинг асосий кўрсаткичи сифатида унумдорликни: хусусий унумдорлик, умумий унумдорлик, кўп омилли ва ишлаб чиқариш омилларининг ялпи унумдорлиги кўрсаткичлари сифатида таснифи ишлаб чиқилди. Унумдорликни ҳисоблашда хусусий унумдорлик кўрсаткичинини ҳисобга олувчи ишлаб чиқаришнинг уч омилли (меҳнат, капитал ва материаллар) таснифи ҳам амал қилади. Ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат унумдорлиги – ишчи-ходимлар меҳнат фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичидир.

Саноат корхоналарида иқтисодий самарадорликни тадқиқ қилиш учун унинг хусусий кўрсаткичлари билан бирга умумлашган кўрсаткичлар ҳам фойдаланилади. Умумий кўрсаткичларга: корхона рентабеллиги, маҳсулот сотиш рентабеллиги, харажатларнинг нисбий даражаси, асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондлари самарадорлиги, сарфланган ресурсларнинг фонд самарадорлиги каби кўрсаткичлар

⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

киради. Қайд этилган мезонлар ва уларнинг кўрсаткичларидан ишлаб чиқариш корхоналарида иқтисодий самарадорликни баҳолаш, комплекс таҳлил қилиш ва стратегик режалаштиришнинг методологик асосларини яратишда ва уларни тадбиқ этишда фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг «**Технологик модернизациялаш шароитида Жиззах вилояти қайта ишлаш ва тўқимачилик саноати корхоналарида иқтисодий самарадорликни ошириш ҳолати**» деб номланган иккинчи бобида республикаимизнинг Жиззах вилоятида фаолият олиб бораётган саноат корхоналари. хусусан, қайта ишлаш ва тўқимачилик саноати корхоналарининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари, иқтисодий самарадорликни оширишнинг замонавий ҳолатининг таҳлили, мазкур корхоналарда иқтисодий самарадорликни баҳолашга услубий ёндашув кабилар татқиқ этилган ва такомиллаштирилган ҳамда ишлаб чиқариш фаолиятидан самарали фойдаланиш омиллари таснифланган.

Жиззах вилоятида 2008-2020 йилларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикасининг таҳлили, саноат салоҳияти ҳамда саноат корхоналарини модернизациялаш ва диверсификация қилиш, юқори қўшилган қийматли саноат ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, юқори технологияли замонавий корхоналарни ишга тушириш ҳисобига 2007 йилда ялпи ички ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 163147.0 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилда вилоят бўйича ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий ички маҳсулот ҳажми 21314.2 млрд. сўмни ташкил этди.

Вилоятни 2019-2030 йилларда ривожлантириш Концепцияси ишлаб чиқилган бўлиб, хусусан, 2030 йилга келиб, 2019 йилга нисбатан ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати 2 баробарга (23,0 трлн.сўм), саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 5,3 баробарга (13,6 трлн. сўм), истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,8 баробарга (8,5 трлн. сўм), қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1,8 баробарга (12,1 трлн сўм), пудрат ишлари ҳажми 1,5 баробарга (4,0 трлн. сўм), чакана савдо айланмаси 2 баробарга (16,9 трлн. сўм), хизмат кўрсатиш ҳажми эса – 4 баробарга (18,6 трлн. сўм) оширилади. Бу кўрсаткичларга эришишнинг асосий омиллари сифатида, муаллифнинг фикрича, қуйидагиларни қайд этиш мумкин (3-жадвал).

Вилоят миқёсида ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи улуши ҳажми таҳлиллари кўрсатдики, 2008 йилда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 92,8 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилда жон бошига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 8062,6 минг сўмни ташкил этмоқда ёки 86,9 маротабага ошган.

Таҳлилий маълумотларга кўра, Жиззах вилоятида жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2015 йилда 1474,5 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилда 4586,1 млрд. сўмга, 2018 йилга нисбатан эса 28,0 %га ошган.

**Жиззах вилоятининг 2008-2020 йилларда саноат ва истеъмол
маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари¹⁰**

Йиллар	Худудлар бўйича саноат маҳсулоти ҳажми (млн.сўм)	Худудлар бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича ўсиш суръатлари (ўтган йилга нисбатан %да)	Худудлар кесимида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш (млн.сумда)	Худудлар кесимида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бўйича ўсиш суръатлари (ўтган йилга нисбатан %да)
2008 й.	424650,8	108,5	96100,0	108,5
2009 й.	535746,6	109,9	121800,0	110,6
2000 й.	416320,5	107,9	147459,0	106,7
2011 й.	775378,0	111,8	280700,0	109,9
2012 й.	825783,5	105,9	343600,0	105,1
2013 й.	1001779,9	109,6	435500,0	107,8
2014 й.	1221362,1	108,3	527800,0	108,1
2015 й.	1515344,8	113,2	667700,0	114,5
2016 й.	1810700,0	112,0	922829,0	115,7
2017 й.	1900669,1	108,7	965229,0	114,4
2018 й.	2256406,6	101,5	1052428,8	99,0
2019 й.	3134655,0	126,1	1128043,0	108,5
2020 й.	4302766,5	108,5	1562513,9	112,8

Ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 42,5 % и йирик корхоналар, 57,5 %и кичик бизнес корхоналари ҳиссасига тўғри келади. Ўтган давр мобайнида саноат корхоналари томонидан 2351,6 млрд. сўмлик ҳалқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 129,1 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган ҳалқ истеъмол моллари таркибининг 32,3 фоизини озиқ-овқат, 67,7 фоизини ноозиқ овқат маҳсулотлари ташкил қилди. Вилоятда аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 3354,4 минг сўмни ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 1720,0 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан мос равишда 125,4 фоизни ва 126,4 фоизни ташкил этди (4-жадвал).

Қайта ишлаб чиқариш ва тўқимачилик саноати корхоналарида барча моддий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида юқори меҳнат натижаларига эришиш меҳнат самарадорлигини оширишнинг бош мезони ҳисобланади. Ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат самарадорлигини таҳлил этишда унинг унумдорлик кўрсаткичи билан ўзаро боғлиқлигини ифодалаш муҳим аҳамиятга эга, чунки, меҳнат унумдорлиги меҳнат самарадорлигини ифодаловчи миқдорий кўрсаткичдир. Меҳнат унумдорлигини таҳлил қилиш учун зарур бўлган кўрсаткичларни ҳисоблашда қуйидаги: саноат тармоқлари бўйича ялпи қўшилган қиймат, тармоқда банд бўлганларнинг йиллик миқдорий кўрсаткичларидан фойдаланилади.

¹⁰Жиззах вилояти статистика давлат бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф тамонидан ишлаб чиқилган.

4-жадвал

**Жиззах вилоятида корхоналар кесимида саноат маҳсулотларини
ишлаб чиқариш ҳажми¹¹ (млрд. сўм)**

Кўрсаткичлар	2015 й.		2017 й.		2018 й.		2019 й.	
	Маҳсулот ҳажми, млрд. сўм	ўсиш, %	Маҳсулот ҳажми, млрд. сўм	ўсиш, %	Маҳсулот ҳажми, млрд. сўм	ўсиш, %	Маҳсулот ҳажми, млрд. сўм	ўсиш, %
Жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	1 474,5	119,6	2 548,8	172,8	3 581,8	140,5	4 586,1	128,0
Йирик корхона- лар: жумладан:	776,4	118,6	919,3	118,4	1 191,0	129,5	1 948,1	163,6
- тўқимачилик	194,1	29,65	229,8	29,6	297,75	32,7	487,025	40,9
- металлургия	323,5		383,1	49,39	496,25	53,7	811,78	68,17
- озиқ-овқат	258,8	39,53	306,4	39,46	397,0	43,1	649,3	54,53
Кичик бизнес	698,0	136,5	1 629,5	233,4	2 390,8	146,7	2 638,0	110,3

Иқтисодий ривожланган жаҳон мамлакатларининг тажрибаси шундан далолат берадики, саноат тармоқлари корхоналари фаолиятининг самарадорлиги ҳамда иқтисодий ўсиши ишлаб чиқариш хусусиятлари ва шарт-шароитларига боғлиқ бўлиб, бир қатор омиллар таъсири билан белгиланади. Жиззах вилояти қайта ишлаш саноати тармоқлари (озиқ-овқат саноати, тўқимачилик саноати, металлургия саноати) иқтисодий ўсишнинг умумий индекси, яъни, меҳнат унумдорлиги, фондлар қайтими, банд бўлган ишловчилар ва асосий ишлаб чиқариш фондлари индекси ҳамда иқтисодиёт секторлари бўйича иқтисодий ўсиш динамикаси ишлаб чиқилди (5-жадвал).

5-жадвал

**Жиззах вилояти қайта ишлаш саноати тармоқларида иқтисодий ўсиш
даражасининг умумий индекси¹²**

Йиллар	Қайта ишлаш саноати тармоқлари		
	Озиқ-овқат саноати	Тўқимачилик саноати	Металлургия саноати
2016	0,71	0,65	0,64
2017	0,73	0,49	1,05
2018	1,00	0,92	1,00
2019	1,07	1,09	0,46

Таҳлил натижаларига кўра, вилоятда озиқ-овқат саноати ва тўқимачилик саноати тараққиётидан фарқли равишда металлургия саноатида интенсив омиллар (меҳнат унумдорлиги ва фондлар қайтими) таъсири бир мунча юқориқдир. Шунингдек, қайта ишлаш саноати тармоқларида банд бўлганлар сони ва асосий фондлар

¹¹ Жиззах вилояти Давлат статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

¹² Муаллиф томонидан Жиззах вилояти Давлат статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

динамикаси индекслари 1,0 коэффициентдан нисбатан юқори эканлиги экстенсив омиллар таъсири устунлигини ифодалайди.

Вилоятда сўнгги йилларда қайта ишлаш ва тўқимачилик саноати тармоқларида иқтисодий ўсиш экстенсив омиллар ҳисобига эришилган. Шунинг учун ҳам, вилоят қайта ишлаш саноати тармоқларида иқтисодий ўсишнинг интенсив ва экстенсив омиллари таъсири даражаларига қараб таҳлил этиш ва баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Жиззах вилояти қайта ишлаш саноати тармоқларида иқтисодий ўсишнинг умумий индексини аниқлашда меҳнат унумдорлиги динамикаси, фондлар қайтими, банд бўлганлар сони ва асосий ишлаб чиқариш фондлари индекси ҳамда қайта ишлаш саноати тармоқларининг иқтисодий ўсиш динамикаси ҳисоблаб чиқилди. 3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Жиззах вилоятида қайта ишлашнинг озиқ-овқат ва тўқимачилик саноатларида фақатгина 2019 йилда иқтисодий ўсиш асосан интенсив омилларни ўзгариши ҳисобига эришилган, яъни меҳнат унумдорлиги ва фондлар қайтими индекслари ўсиши юзага келган.


Қолган йилларда эса мазкур тармоқларда иқтисодий ўсишга интенсив омилнинг таъсири анча кам бўлган. Шунингдек, металлургия саноатида ҳам иқтисодий ўсиш динамикасида (2017 йилдан ташқари) экстенсив омиллар ҳиссаси юқори бўлган. Бу эса асосан кейинги даврларда қайта ишлаш саноати тармоқларида экстенсив омиллар таъсирининг ўзгариши ҳисобига ўсиш содир бўлганлигини ифолайди. Жумладан, тармоқда банд бўлганлар ва мазкур тармоқларда асосий фондлар қийматини ошиши экстенсив ўсиш тенденциясига тўғри мутаносибликда таъсир кўрсатади.

Тадқиқотимизда келтирилгандек, иқтисодий самарадорлик - мақсадга эришиш учун сарфланган харажатлар ёки ресурслар билан олинган самарани ўлчайдиган нисбий кўрсаткич бўлиб, унинг иқтисодий таҳлили жараёнида корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими корхона даромадини баҳолаш, ишбилармонлик фаоллигини баҳолаш, корхонанинг бозор фаолияти ва қимматли қоғозлар бозоридаги мавқеини баҳолаш кўрсаткичлари таснифини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган.

Диссертациянинг **«Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида қайта ишлаш ва тўқимачилик саноати корхоналарида иқтисодий самарадорликни ошириш механизмларини такомиллаштириш»** деб номланган учинчи бобида қайта ишлаш ва тўқимачилик саноати корхоналарининг рақабатбардошлигини ошириш, янги техника ва технология асосида модернизациялаш ва инновацион фаолликни ошириш асосида иқтисодий самарадорликни баҳолаш тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Янгиланаётган Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида саноат корхоналарини рақобатбардошлигини ошириш, техник ва технологик модернизациялаш корхона фаолиятининг натижаси ва унумдорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Шунга кўра, саноат корхонасининг ишлаб чиқариш жараёни кўрсаткичлари тизими корхонани иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, мазкур самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ҳамда самарадорликни баҳолашнинг умумий даражасини белгилаш босқичларини таснифлаш асосида такомиллаштирилди.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан қайта ишлаш ва тўқимачилик саноати корхоналарида иқтисодий самарадорликни услубий-таҳлилий жиҳатдан баҳолаш шартли равишда қуйидаги 3-босқичга ажратилган ҳолда амалга оширилди (3-расм):



3-расм. Қайта ишлаш ва тўқимачилик саноати корхоналарида иқтисодий самарадорликни баҳолаш алгоритми ¹³

1-босқич: «Иқтисодий самарадорликни оширишнинг асосий йўналишлари» босқичи ўз ичига ресурс тежамкорлиги, асосий фондларини янгиланиши, маҳсулот сифатини ҳамда ходимлар ва ишчилар малакасини ошириш асосида иқтисодий самарадорликни ошириш вазифаларини қўяди;

¹³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

2-босқич «Иқтисодий самарадорликни таъминловчи омилларни баҳолаш ва уларнинг корхона фаолиятининг пировард натижасига таъсири» босқичи бўлиб, унда корхона фаолиятини стратегик йўналтирилган самарадорлигини, мотивацияни баҳолаш, корхонанинг ташкилий тузилмасини замонавий талабларга ва технологик жараёнларга мослигини баҳолаш, ҳамда ишбилармонлик ва маҳсулот сифати даражасини баҳолаш каби жараёнларни амалга оширади;

3-босқич корхона фаолиятининг натижасига таъсир этувчи омилларнинг таъсирини баҳолаш орқали «Корхона фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш» босқичига ўтилади ва у 2 бўлимдан иборат бўлиб, биринчиси аниқ функционал тизимлари бўйича самарадорликни баҳолаш ва иккинчиси ишлаб чиқаришни оптимал ташкил этишни интеграл баҳолашни амалга оширади.

